

8-1-2018

IMPORTANT FEATURES OF EVALUATING EFFICIENCY OF TAX PREFERENCES

O. Yuldashev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Yuldashev, O. (2018) "IMPORTANT FEATURES OF EVALUATING EFFICIENCY OF TAX PREFERENCES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 40.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/40>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Юлдашев О.Т. – ТМИ,
доцент, и.ф.н.**

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси эканлиги, солиқ имтиёзларининг ишбилармонлик муҳитига таъсири, “солиқ имтиёзларининг самарадорлиги” тушунчасининг мазмуни, солиқ имтиёзлари самарадорлигини аниқлаш бўйича турли қарашлар, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш бўйича ёндашувлар кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: самарадорлик, баҳолаш, солиқ имтиёзлари, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги, солиқ имтиёзларининг натижавийлиги, солиқ харажатлари.

В статье рассмотрено – предоставление налоговых льгот как мера поддержки предпринимательства, влияние налоговых льгот на деловую среду, содержание понятия “эффективность налоговых льгот”, разные подходы к определению эффективности налоговых льгот, подходы к оценке эффективности налоговых льгот.

Ключевые слова: эффективность, оценка, налоговые льготы, эффективность налоговых льгот, результативность налоговых льгот, налоговые расходы.

In the article – providing tax privileges as a measure to support entrepreneurship, the impact of tax privileges on the business environment, the concept of “the efficiency of tax privileges”, various approaches to the definition of efficiency of tax privileges, approaches to assessing the efficiency of tax privileges.

Keywords: effectiveness, assessing, tax privileges, the efficiency of tax privileges, the effectiveness of tax privileges, tax expenditures.

Кириш

Бизга маълумки, иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатувчи, шубҳасиз муҳим дастаклардан бири солиқ имтиёзлари ҳисобланиб, улар солиқ тўловчилар учун маълум бир афзалликлар тақдим этади ва шунга муносиб равишда иқтисодий фойда яратади. Солиқ имтиёзлари турли тоифадаги солиқ тўловчиларнинг моддий аҳволини ижтимоий жиҳатдан тенглаштириш, давлат олдидаги муҳим хизматларини тақдирлаш, солиқ тўловчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётнинг айрим соҳаларини рағбатлантириш учун мўлжалланади.

Тарихий тараққиётнинг кўрсатишича, солиқ имтиёзлари – мақсадли йўналтирилганлиги ва уларга эга бўлувчилар таркибига боғлиқ ҳолда, бир вақтнинг ўзида ижобий ва салбий жиҳатларга эга бўлган. Жумладан, бир томондан, солиқ юкини пасайтириш воситаси ва солиққа тортиладиган базани истиқболли ошириш имконини берадиган рағбатлантирувчи механизм

ҳисобланса, иккинчи томондан, рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Яъни, солиқ имтиёзига эга бўлганларга мазкур имтиёзга эга бўлмаган рақобатчиларга таққослаганда анча кўпроқ фойдали шароитлар яратилади. Қолаверса, бюджет даромадларини (имтиёз тақдим этилган пайтда) камайиб кетишига олиб келади ва шу асосда қисқа ва ўрта истиқболда бюджетга салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун, шубҳасиз, солиқ имтиёзларини тақдим этиш олдиндан ва белгиланган тартибда асосланган бўлиш, яъни, уларни тақдим этишда режалаштирилган самара олдиндан ҳисоблаб чиқилган ва ўлчанган бўлиши, кутилаётган аниқ натижа (ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа самара) кўрсатилиши шарт. Чунки, ниманинг эвазига онгли равишда бюджет тўлиқ ҳажмдаги солиқ тушумларига эга бўлмаётганлиги ва рақобат муҳитига зарар етказилаётганлигини илмий жиҳатдан асослаш лозим.

Бироқ, бу масалани муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар бор. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш тартибини белгиловчи қоидаларни ўз ичига олган Солиқ кодексида ҳам ва бошқа солиқ қонунчилигида ҳам солиқ имтиёзларининг самарадорлиги, уни баҳолаш механизми ва самарадорлик параметрлари келтирилмаган. Қолаверса, солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш бўйича турли хил (бир-бирига ўхшамаган) қарашлар йиғилган.

Адабиётлар таҳлили

Масалан, Е.М.Ануфриеванинг фикрича, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги – бу ғоят мураккаб ҳодиса бўлиб, самарадорликни баҳолаш натижалари амалдаги имтиёзлар таркибини оптималлаштириш ва имтиёз олувчиларни оптимал танлаш имконини беради. Шунга қарамасдан, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш механизми амалда ишлатилмаяпти [1].

О.Л.Рубцова эса кичик бизнесни солиқлар орқали рағбатлантириш дастурининг самарадорлигини баҳолашни амалий жиҳатдан имконсиз деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, солиқлар орқали рағбатлантиришнинг самарадорлигини таҳлил қилиш бугунги кунда фақатгина уни тақдим этувчи органлар томонидан муайян маълумотларга эга бўлиш учунгина амалга оширилмоқда, аслида эса бундай таҳлилларни мустақил молия органлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Унинг ишончи комилки, “кичик бизнесни рағбатлантириш учун пул маблағларининг кўпайиши кичик бизнес субъектлари сонининг сезиларли ўсишига ҳам, улар фаолиятининг фаоллашишига ҳам олиб келмайди” [2].

Р.Н.Калаков ҳам “солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг ягона методикаси” мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатларни ҳамда имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш умумдавлат аҳамиятидаги жиддий масала эканлигини қайд этган [3]. Унинг фикрича, солиқ имтиёзларининг самарадорлик кўрсаткичлари ичида энг муҳими - бу бюджет самарадорлигидир. Самарадорликнинг бу тури саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан баҳоланадиган инвестицион самарадорликни ҳам ўз ичига олади.

Т.А.Кольцова ва Я.И.Сидоркевичлар қуйидагиларни эътироф этган: солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш – муҳим ва зарурий жиҳат; солиқ имтиёзларини тақдим этиш мақсадини, шунингдек, бюджет учун оқибатларини мажбурий тартибда баҳолаш лозим. Улар солиқ имтиёзлари самарадорлигининг таҳлили умумдавлат тузилмасида амалга оширилмаслигини салбий жиҳат сифатида қайд этишган [4].

“Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги” тушунчасига таъриф берган О.Т.Юлдашевнинг фикрича, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги деганда, имтиёз ҳисобига қолдирилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида бюджетга олинган қўшимча даромадларнинг солиқ имтиёзлари (ҳажми)га нисбати тушунилади. Солиқ имтиёзларининг самарадорлигини илмий асосланган ҳолда баҳолаш юқори иқтисодий натижаларга эришишнинг муҳим асоси ҳисобланади [5].

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Бироқ, макроиқтисодий даражада бундай баҳолашни амалга ошириш учун муайян ўлчов бирликларини мустақил аниқлашга ууринишлар қилинмоқда.

Тадқиқот методологияси

Амалга ошириладиган тадқиқотимиз мавзуси солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашга бағишланганлиги сабабли шу мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, уларнинг солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва уни баҳолаш бўйича ёндашувлари тадқиқ этилган ҳамда тизимли ёндашув, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва солиқлар орқали рағбатлантириш механизмининг самарадорлиги ва мақбуллигини таъминлашнинг устувор мақсади бюджет барқарорлигини оширишга ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларнинг солиқ автономиясини кўтаришга қаратилади. Аммо, солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши бюджет даромадларининг пасайишига ва солиқ маъмурчилиги жараёнларининг мураккаблашишига олиб келиши, шубҳасиз.

Шундай бўлишига қарамасдан, тақдим этилган (тақдим этилиши режалаштирилган) солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш, бугунги кун нуқтаи назаридан қуйидаги аниқ мақсадларга эришишни кўзлайди:

- рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида технологияларни янгилаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун солиқ тўловчиларнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини рағбатлантириш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- бюджетга солиқ тушумлари ортишини таъминлаш;

- иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни, жумладан, инвестицион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш қуйидагилар тўғрисида аниқ бир қарорга келиш мақсадида ҳам амалга оширилади:

- солиқ имтиёзларини тақдим этишни давом эттириш тўғрисида;
- солиқ имтиёзларини тақдим этиш механизмини ўзгартириш тўғрисида;
- солиқ имтиёзларини самара бермаган тақдирда бекор қилиш тўғрисида.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш бюджет, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик мезонлари асосида амалга оширилади. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ улар (СИСБ) солиқ тўловчилар тоифаси кесимида эмас, балки базис йилдаги ва ҳисобот давридаги умумий солиқ имтиёзлари суммасини таққослаш йўли билан йўқотилган даромадларнинг умумий суммасига нисбатан амалга оширилади.

Солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичларга асосан амалга оширилади: ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг юклаб жўнатилган ҳажми, ўз кучи билан кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш ҳажми, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушум, сотишдан фойда, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати. Ҳисоб-китоблар ҳар бир солиқ тўловчилар тоифаси бўйича ҳамда юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг базис ва ҳисобот йилларидаги ҳолатига боғлиқ равишда амалга оширилади. Солиқ имтиёзлари фақатгина коэффициент қиймати бир бирликка тенг ёки ундан катта бўлсагина иқтисодий самарадорликка эга бўлади.

Солиқ имтиёзларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш – солиқ тўловчилар тоифаси бўйича аниқланган қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси асосида амалга оширилади: ҳисобот йили ва ундан олдинги йилда ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони; ҳисобот йили ва ундан олдинги йилда битта ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи. Ўтган ҳисобот даврига таққослаганда, кўрсатилган кўрсаткичлардан бирортаси бўйича ўсиш қийматига эришилса, солиқ имтиёзи ижобий ижтимоий самарадорликка эга бўлади.

Бюджет самарадорлигини баҳолаш солиқ имтиёзлари тақдим этилган турли тоифадаги солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолияти натижаларини баҳолашни кўзда тутди. Айтиш лозимки, ҳар бир хўжалик субъекти ўзи учун оптимал бўлган методикани ишлаб чиқади. Биринчи солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашни учта мезон бўйича амалга оширса, бошқаси шундан фақат иккитасини маъқул топади.

Амалиётда кўпчилик солиқ имтиёзларининг қўлланилишида, уларни мақсадли йўналтирилганлигини таъминлаш бўйича доимо муаммолар юзага келади. Натижада, бу имтиёздан фойдаланишда суиистеъмолчиликка олиб келади, хусусан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва уларни самарадорлигини баҳолаш механизмнинг такомиллашмаганлиги ҳисобига солиқдан қочиб қолганлари кўп учрайди. Аслини олганда, турли солиқ имтиёзларининг қўлланилиши солиқ мажбуриятларини камайтиришнинг қонуний йўли ҳисобланади. Бироқ, улардан қонуний фойдаланиш солиқ тўловчиларнинг

виждонсизлик қилиши кераклигини (инсофсизларча муносабатда бўлишини) англамайди.

Шундай қилиб, солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш – мазкур имтиёзларни тақдим этишни келажақда давом эттириш ёки янгиларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги бўйича қарор қабул қилишда муҳим ҳисобланади [6].

Бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш бевосита қуйидаги масалаларни ҳал этишни кўзлайди:

- мазкур имтиёз бюджет учун қандай таъсир кўрсатади?

- тақдим этилган имтиёзлар иқтисодий фаолиятнинг муайян турларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат харажатларини қандай қисқартиради, бу билан бюджет даромадларини қисқартирмайдими?

- у ёки бу турдаги имтиёзлардан солиқ тўловчилар (корхоналар)нинг ўзи қайси мақсадда фойдаланмоқдалар?

- ҳар бир имтиёз солиқ тўловчилар (корхоналар)га қанча миқдорда фойда келтиради?

- солиқ имтиёзлари солиқ тўловчилар(корхоналар)нинг асосий фаолият харажатлари даражасининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатади?

Амалдаги солиқ қонунчилигини кўриб чиқиш натижасида, шуни қайд этиш мумкинки, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг аниқ бир (самарадорлик мезонларининг ягона тизимига эга бўлган) методикасини шакллантириш лозим. Бу масалани муваффақиятли ҳал этишда, бизнинг фикримизча, “Солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижавийлигининг мониторинг тизимини ташкил этиш”га бағишланган тадқиқотларда берилган жуда қизиқ ёндошувлар муҳим рол ўйнайди. Жумладан, уларда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолашнинг учта методикаси алоҳида ажратиб кўрсатилган [7]:

1) ижтимоий йўналтирилган солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолаш. Ижтимоий йўналтирилган солиқ имтиёзларининг натижавийлигини баҳолаш мезонлари бўлиб, ижтимоий соҳанинг алоҳида танланган сегментининг ривожланиши ва корхонанинг муайян ижтимоий харажатларининг ўсиш динамикаси ҳисобланади. Кўрсаткичлар манфий қийматга эга бўлса, мазкур имтиёз натижавий эмас ҳисобланади.

2) инвестицион солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолаш. Инвестицион имтиёзнинг натижавийлигини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб, уларнинг инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаси сифатидаги ва инвестицион фаолликни оширишдаги аҳамияти ҳисобланади. Агар баҳолаш натижасига кўра, самарадорлик қиймати меъёрий даражадан паст бўлса, имтиёз самарасиз деб топилади, натижада, уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш керак бўлади.

3) умум рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолаш. Имтиёзнинг натижавийлиги рағбатлантирилаётган фаолият турининг (прогноз ёки ҳақиқатдаги кўрсаткичлар бўйича мониторинг қилиш давридаги) ўсиш суръати ва ҳажми динамикасини тавсифловчи

кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Таққосланадиган кўрсаткичларнинг якуний қиймати молия органлари томонидан ишлаб чиқилиши лозим.

Шунингдек, солиқ харажатларини баҳолаш ва идентификациялаш муаммоларига бағишланган тадқиқотда муаллиф ўзининг солиқ харажат(имтиёз)лари¹ самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиққан. Унинг таъкидлашича, солиқ харажатлари – бу муайян солиқ тўловчилар гуруҳини ёки фаолият турини қандайдир энгилликлар билан таъминлашга қаратилган имтиёзли солиқ тизимидан қонуний фойдаланиш муносабати билан бюджет тизимининг бой берилган солиқли даромадларидир [8]. Солиқ харажатларини баҳолаш алоҳида солиқ турлари бўйича берилган аниқ имтиёзлар бўйича амалга оширилиши лозим.

Солиқ харажатларининг умумий баҳоси барча солиқлар бўйича харажатларни миқдорий баҳолашнинг жами йиғиндисини ташкил қилади.

Солиқ харажатларини баҳолашнинг учта асосий усулини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) бой берилган даромад бўйича. Мазкур усул солиқ харажатларини у ёки бу имтиёзнинг жорий этилиши ёки амал қилиш натижасида бюджет тизимининг маҳрум бўлган солиқли даромадлари суммаси сифатида баҳолашни кўзда тутди;

б) тикланадиган даромад бўйича. Мазкур усул солиқ харажатларини у ёки бу имтиёзнинг тугатилиши натижасида бюджет тизимига қўшимча ундириладиган солиқли даромадлари суммаси сифатида баҳолашни мўлжаллайди;

в) эквивалент харажат бўйича. Мазкур усул солиқ харажатларини - имтиёзларни қўллаётган солиқ тўловчиларнинг мазкур имтиёзлар ўзгартирилган шароитдаги солиққа тортилгандан кейинги жами даромадларини шу имтиёзлардан фойдаланган шароитдаги даромадларига тенглаштириш учун уларнинг барчасига бюджетдан амалга ошириладиган бевосита харажатлар суммаси сифатида баҳолашни мўлжаллайди.

Ушбу тадқиқотда, бой берилган даромад усулининг амалий аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган. Амалдаги имтиёзларни баҳолаш учун таҳлил қилинаётган имтиёз берилмаганда бюджетга келиб тушиши мумкин бўлган солиқ суммаси ва имтиёз амал қилган пайтда бюджетга келиб тушган ҳақиқатдаги солиқ суммаси ўртасидаги фарқни солиштириш лозим. Бу фарқ солиқ тўловчиларнинг мазкур имтиёздан амалда фойдаланишидаги солиқ маъмурчилигининг қўшимча харажатлари миқдорига тўғри келиши керак.

Умуман олганда, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш методикасининг доираси етарлича тор, шу сабабдан уларга “Солиқ харажатларини баҳолаш ва солиқ имтиёзлари самарадорлиги: масалани ҳал этиш методологияси” мавзусидаги тадқиқотда таклиф этилган солиқ харажатлари самарадорлигини баҳолаш мезонларини киритиш мақсадга мувофиқ [9]. Муаллифлар солиқ имтиёзларининг бюджет, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ажратиб кўрсатиш билан бирга уларни баҳолашда

¹ Солиқ имтиёзларига (бюджетнинг) солиқ харажатлари сифатида қараган.

қўшимча мезон сифатида фискал самарадорликни киритишни таклиф этади. Яъни, солиқ имтиёзларининг фискал самарадорлиги тақдим этилган имтиёзни амал қилишидан ҳақиқий самара юзага келганда шу имтиёзнинг t даврда олинган фискал самарасини шу t даврдаги солиқ харажатлари суммасига нисбатини ифодалайди.

Ўз навбатида, юқорида ўрганилган тадқиқот ишларида келтирилган хулосалар принципиал аҳамиятга эга. Уларни инобатга олмасдан масалани ижобий ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шу жиҳатдан уларни умумлаштириб, самарадорликни баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин:

- солиқ имтиёзларини тақдим этиш йўли билан корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган давлат маблағларининг ҳар бир сўми самарадорлигини кўрсатувчи корхонанинг активларини солиқ мажбуриятларини камайтириш ҳисобига ўзгартириш;

- солиқ имтиёзлари ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг самарадорлиги;

- солиқ имтиёзларининг натижавийлиги, бу солиқ юқини камайтириш ва хусусий молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятини яратиш нуқтаи назаридан имтиёзларнинг амал қилиши натижасини таққослаш имконини берувчи кўрсаткичдир;

- ҳудудларнинг умумий солиқ самарадорлиги, бу кўрсаткич шу ҳудуддаги корхонанинг фаолиятига солиқларнинг таъсири нуқтаи назаридан улар фаолияти натижавийлигини баҳолайди;

- солиқ имтиёзлари ҳисобига озод бўлган маблағлардан фойдаланишнинг ижтимоий самарадорлиги;

- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳисобига инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг самарадорлиги;

- инновацион имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлиги.

Солиқ имтиёзлари натижавийлигининг юқорида кўрсатилган кўрсаткичларидан фойдаланилса, солиқ имтиёзлари самарадорлигини тўлиқ баҳолаш имконини беради. Шунини ҳам қайд этиш керакки, мазкур кўрсаткичлар тизимини солиқ имтиёзларининг солиқ турлари, солиқ тўловчилар тоифаси ва фаолият турлари бўйича алоҳида хусусиятларини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар билан бойитиш лозим. Шундай қилиб, тавсия этилаётган кўрсаткичлар солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолашни такомиллаштириш ва энг яхши баҳо бериш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Бир вақтнинг ўзида, солиқ имтиёзларини тақдим этиш тартибининг амалий таҳлил қилиш ва назарий тадқиқ этиш қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас;

- солиқ харажатларининг ҳисоби юритилмайди;

- инвесторларга берилган солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш методикаси мавжуд эмас;

- солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш натижаси бўйича мустақил қарор қабул қилиш алгоритми мавжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатга олсак, солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолашни тезкорлик билан такомиллаштириш лозим. Бунинг учун эса солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашни ўтказилиши, айниқса, бу уларни тақдим этувчи орган томонидан амалга оширилиши лозим. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашни муваффақиятли амалга ошириш учун уларни жорий этишдан олдин дастлабки маълумотларни белгилаб олиш ҳамда уларни тақдим этишдан мақсадни аниқлаб олиш лозим.

Умумий хулоса қилганда, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш масаласи муҳимлигича қолмоқда ва солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида уларни ҳал этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ануфриева Е.М. Критерии эффективности налоговых льгот //Модели, системы, сети в экономике, технике, природе и обществе. – 2014. № 4 (12).

2. Рубцова О.Л. Проблемы государственной поддержки российского малого бизнеса //Российское предпринимательство. – 2015. – Т.16. № 17. – С.2697-2706.

3. Калаков Р.Н. К вопросу об эффективности налоговых льгот: анализ современной практики //Научные труды SWORDL. – 2012. – № 1. – С.34-43.

4. Проблемы учета, анализа, аудита и налогообложения: сборник статей Третьей Всероссийской заочной электронной научной конференции, Тюмень, 2016.

5. Юлдашев О.Т. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш методологияси // Иқтисодиёт ва таълим журнали. -2014. №1.

6. Налоговые льготы. Теория и практика применения / под. ред. И.Майбурова. М. : Юнити-Дана, 2014.

7. Барулин С.В. Организация системы мониторинга результативности и эффективности налоговых льгот и преференций // Финансы. 2013. № 4.

8. Майбуров И.А. Проблемы идентификации и оценки налоговых расходов: методологический подход к решению // Проблемы экономики. 2012. № 4.

9. Майбуров И.А. Оценка налоговых расходов и эффективности налоговых льгот: методология решения задачи // Общество и экономика. 2013. № 4.